**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРКАНД ИҚТИСОДИЕТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**Кўлезма хуқуқида**

**Баҳоров Шавкат Низомиддин ўғли**

# Самарқанд «ELXOLDING» ОАЖ корхонаси ходимлари овқатланиш корхонасини моддий-техник янгилаш билан овқатланиш сервис хизматини самарадорлигини ошириш

**5810300-Аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш сервиси таълим йўналиши бўйича:**

**Бакалавр**

**академик даражасини олиш учун**

**ёзилган битирув малакавий иш**

**“Ҳимояга тавсия этилди”**

«Хизмат кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси мудири

доцент__________А.Ю.Худойбердиев

“Хизмат кўрсатиш ва уни ташкил этиш” кафедраси мажлиси баённома

№ __ 2014 йил “___” ______

**Илмий рахбар:**

**асс. Комилов М.К.**

**Илмий маслаҳатчи:**

**проф. Ж.М.Қурбонов**.

**САМАРКАНД -2014**

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | Кириш...................................................................................................... | 3 |
| 1 | Ўзбекистон халк хўжалигининг ривожланиши билан хизмат кўрса-тиш сохасининг ривожланиш истикболлари........................................ | 5 |
| 2 | Самарқанд шаҳар «ELXOLDING» ОАЖ овқатланиш корхонасини асосий тавсифи ва жихозларининг холати........................................ | 8 |
| 3 | Корхона ходимлари овкатланиш хизмат курсатиш техник –техно-логик модернизациялаш билан яхшилаш заруряти…………............ | 14 |
| 4 | “«ELXOLDING» ОАЖ ошхонаси мижозларига хизмат кўрсатишда ижтимоий маданий модернизацияни бажариш……………………….... | 19 |
| 5 | Корхонада хизмат курсатишни яхшилаш максадида кулланилаётган жихозларнинг самарадорлигини ошириш……………………………... | 28 |
| 5.1. | Иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш методи………………………………………………………………. | 28 |
| 5.2 | Корхонада совитиш жихозларини янгилашдан келган иктисодий самарадорлигини хисоблаш…………………………………………….. | 33 |
| 5.3 | Корхонада таркатиш линия куйишдан келган иктисодий самарадор-лигини хисоблаш……………………………………..........………… | 40 |
| 6 | Самарканд шахар “«ELXOLDING» ОАЖ корхонаси ошхонасида ҳаёт хавфсизлиги талаблари ва шароитлари………………………… | 47 |
| 6.1 | Ошхонада мехнатни мухофаза қилиш борасидаги эргономика, метрология………………………………………………………… | 48 |
| 6.2 | Ошхонада электр ва ёнғин хавфсизлиги……………………………… | 50 |
| | Хулоса ва таклифлар.......................................................................... | 50 |
| | Фойдаланилган адабиётлар руйхати.................................................. | 52 |

# КИРИШ

2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида.

Агар биз , 2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганимизда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этишимиз мумкин. Чунки, хисобот йилида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётда эришган ютуқларнинг асоси бозор иқтисодиёти, мулк шаклларининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши кабилар билан баҳоланмоқда Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Узбекистон Республикасида хизмат курсатиш сохасини ривожлантирш дастури тугрисида” карори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 215-модда)

Ушбу карор буйича, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури маъкулланди ва у узида қуйидагиларни олади:

2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55 фоизгача оширилишини назарда тутадиган 2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича хизмат курсатиш соҳасининг асосий турларини ривожлантириш мақсадли параметрларини белгилаб берди. Турли хизмат курсатиш сохалари катори ахоли ва туристлар овкатланищи сохаси хам жадал суратларда ривожланиши кузда тутилади. Овкатланиш корхоналарини модернизация йули билан янгилаш унинг кейинги ривожланишида асос булади.

**Мавзунинг долзарблиги:** Мамлакатимизнинг 2014 йилги модернизациялаш буйича амалга оширилаётган ишлар буйича хизмат курсатиш корхоналарини самарадорлигини ошириш учун уларни техник технологи модернизациялаш зарур вазифалардан бири хисобланади. Шунинг учун хам овкатланиш корхонасида овкатланиш сервис хизматини самарадорлигини ошириш масалалари долзарб хисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Х**измат кўрсатиш соҳаси субъектлари буйича хизмат курсатиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш буйича чет элда М.П.Могильный, А.П.Ямпольский, И.В.Шалун .ва бошкалар булса, худи шунингдек мамлакатимиз олимлари томонидан хам хизмат кўрсатиш сохаси самарадорлигини ошриш бўйича қатор изланишлар

олиб борилган. Хусусан, Ж.М.Курбонов, О. Ф. Сафаров, Р.Ж. Курбонова бу борада олиб борган тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади .Аммо бу борада хизмат кўрсатиш соҳасининг овкатланиш корхоналарида янги техника технологиянинг янгиланиши билан хизмат курсатишнинг самарадорлигини ошириш масалалари етарлича очиб берилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади**: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Самарқанд «ELXOLDING» ОАЖ корхонаси ходимлари овқатланиш корхонасини моддий-техник янгилаш билан овқатланиш сервис хизматини самарадорлигини ошириш

**Тадқиқот объекти:** Самарқанд шаҳрида хизмат кўрсатувчи «ELXOLDING» ОАЖ корхонаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети:** Иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида овкатланиш корхонасида овқатла ходимлари овқатланиш корхонасини моддий-техник янгилаш билан овқатланиш сервис хизматини самарадорлигини ошириш

**Тадқиқот усуллари:** Битирув малакавий иши доирасидаги тадқиқотлар давомида статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш,гуруҳлаш, танлаб кузатиш каби бир қатор усуллардан фойдаланилди.

**Битирув малакавийиши**: 6 бобдан ва хулоса таклифлардан , жами 54 бетда бажарилган бўлиб унда кўпгина жадваллар ва кулланилган адабиётлар рўйхати хам келтирилган**.**

## 1. Ўзбекистон халк хўжалигининг ривожланиши билан хизмат курсатиш сохасининг ривожланиш истикболлари.

2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади деб таъкидлади .Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида.

Хакикаттан ,хам биз бугун 2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этишимиз мумкин. Чунки, хисобот йилида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётда эришган ютуқларнинг асоси бозор иқтисодиёти, мулк шаклларининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши кабилар билан баҳоланмоқда

Аввало, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмокда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди

Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.

Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда.Биз ўтган йилнинг бошида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқладик. 2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб боряпти, деб айтишга асос беради.

Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанингюқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,1 фоизга, саноатни 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, чакана савдо айланмасини 13,9 фоизга кўпайтириш, бозор хизматларини 16,2 фоизга оширган ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Солиқ юкини янада камайтириш, жумладан, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслар учун энг кам солиқ ҳажмини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш иқтисодиётимиз ривожида албатта муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ 2014 йилда салкам 1 миллион иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда меҳнат соҳасига қарийб 500 минг нафар ёш йигит-қизлар – 2-3 тадан мутахассисликни ва иш кўникмаларини эгаллаган, олган билимларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида, хизматлар ва бошқарув жабҳасида қўллашга тайёр бўлган касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари кириб келади.

Юкорида келтирилганлардан хулоса килиб шуни айтиш мумкинки , Узбекистоннинг барча халк хужалиги йуналиши буйича жадал суратларда ривожланиб борияпти ва бу ривожланишда албатта хизматдар сохаси корхоналарининг урнини алохида белгилаш мумкин. Хизматлар сохасидаги хизмат курсатиш корхоналарининг ривожланишида уларнинг техник технологик модернизацияси ва корхоналарнинг самарадорлигини ошириш албатта уларнинг келажакдаги ривожланишини белгилаб беради.

## 2. Самарқанд шаҳар «ELXOLDING» ОАЖ овқатланиш корхонасини асосий тавсифи ва жихозларининг холати.

Самарканд шахар ELXOLDING» ОАЖ овқатланиш корхонасини Самарканд шахрининг марказидаги ELXOLDING» ОАЖ корхонасининг ичида жойлашган булиб ,узининг тузилиши ва куриниши билан хозирги вакт овкатланиш корхоналар талабига жавоб беради.

Овқатланиш корхоналарининг маълумки моддий- техника база ўз ичига барча асосий фондларни ва бир қисм айланма фондларни ўз ичига олади. Корхона асосий фондлари унинг моддий-техникавий базасининг бир қисми бўлиб, улар мунтазам равишда изланиш воситаси ва ўз қийматининг бир қисмини тайёр маҳсулотга ўтказади. Шунинг учун уларга бир хил ҳисоб меъёрлари берилади. Шундай қилиб корхона асосий фонди унинг ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб, ишлаб чиқариш меҳнат воситалари, кулинар маҳсулотлар реализацияси ва истеъмолини ташкил этиш комплексини ташкил этади.

Овқатланиш корхоналарининг асосий фондини, унинг биноси, иншоотлари, машина ва жиҳозлари, транспорт воситалари, инструментлари, ишлаб чиқариш инвентари ва бошқа меҳнат воситаларидан таркиб топади.

Тадқиқот объекти ҳисобланган «ELXOLDING» ОАЖ овқатланиш корхонасини моддий- техникавий базасининг асосий фонди 2.1.- жадвалда 2012 йилдаги ҳолати келтирилган.

Корхона ўзининг махсуслик хусусиятларидан келиб чиқган ҳолда унинг асосий фондининг бир қисми (машиналар, жиҳозлари ва асбоблари) ундаги ишлаб чиқаришдаги овқатлар, ярим тайёр маҳсулотлари хом ашё ва бошқаларнинг ишлови учун қўлланилса, қолганлари унинг реализацияси ва истеъмолини ташкил этиш учун фойдаланилади.

Овқатланиш корхоналарининг ўзига хос хусусияти унинг асосий фондларнинг қўлланилиши билан чегараланмайди.Уларнинг айримлари ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам, реализацияда ва истеъмолни ташкил этишда ҳам қўлланилса, айримлари фақат бир функционал жараён

операцияларига қатнашади. Масалан, бино ва иншоотлар хом- ашёнинг келишидан, тайёр маҳсулот реализациясигача бўлган барча босқичларда қўлланилади. Лекин совитиш жиҳозлари фақат ишлаб чиқариш ва реализацияда, механик жиҳозлар эса фақат ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилади.Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаси бўйича[1] умумий овқатланиш корхоналари асосий фондининг қарийб 55% ишлаб чиқаришни, 35% истеъмолни ва 10% маҳсулот реализациясини ташкил этишни таъминлаши аниқланган.

Умумий овқатланиш корхонасининг асосий фондларини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот реализациясида ва маҳсулотлар истеъмолини ташкил этишдаги функцияларига қараб актив ва пассивга бўлинишини кўришимиз мумкин.

Умумий овқатланиш корхонасининг актив асосий фондлар таркибига: жиҳозлар, машиналар,аппаратлар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш инвентари ва инструментлари, ҳисоблаш машиналари ва меҳнат воситалари кирадиди улар корхонанинг техникавий қуролланганлигини ташкил этади. Бу фондлар ўзларининг хусусияти билан корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундаги меҳнат унумдорлигининг ўсишига тўғридан тўғри таъсир этади.

Корхонанинг пассив асосий фонди таркибига унинг биноси, иншооти ва шу кабилар кирадики, улар маҳсулот ишлаб чиқаришда тўғридан тўғри таъсир этмасаларда, лекин унинг ишлаб чиқаришда, кулинар маҳсулотининг реализациясида ва маҳсулотлар истеъмолини ташкил этишда қатнашади.

Тадқиқот объекти ҳисобланган «ELXOLDING» ОАЖ овқатланиш корхонасини техникавий даражасини аниқлаш мақсадида, унинг моддий-техник базасининг асосий фондларини, юқорида келтирилганлардан фойдаланиб турли гуруҳларга бўламиз.

[1] Кузнецов В.И. Основные фонди общественного питания и их воспроизводства – М.,МИНХ 1975. Стр 6

«ELXOLDING» ОАЖ овқатланиш корхонаси асосий фондларининг техникавий даражасини аниқлаш мақсадида биз корхона техникавий даражасини аниқлаш методикаси бўйича мақсадли гуруҳларга ажратамиз. Улар қуйидагилардан ташкил топади:

1.ишлаб чиқариш жиҳозлари;

2.мебеллар ва инвентарлар

3.бино ва иншоотлар

4.бошқа жиҳозлар ва инвентарлар.

**2.1-жадвал**

**«ELXOLDING» ОАЖ овқатланиш корхонаси асосий фонди гурухи таркибий қисми 2011 йил**

| № | Инвен-тарь номе-ри | Жиҳоз номи | тавсифи | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | маркаси | Унум-дорлиги | Эл.кув-вати | Массаси кг | Эгаллаган юзаси м$^2$ |
| **Механик жиҳозлар** | | | | | | | |
| 1 | | Мясорубка (Гўшт қиймалагич) | МС2-70 | 70 | 0,6 | 6,5 | 0,019 |
| | | | МИМ-88 | 180 | 1,1 | 75 | 0,109 |
| 2 | | Идиш ювиш машинаси | МИ9-1000 | 1000дона | 40 | 1000 | 4,1 |
| | | | ММУ-500 | 500 | 26 | 350 | 1,36 |
| 3 | | Хамирқоргич | ТММ-1М | 140л | 2,2 | 350 | 1,08 |
| 4. | | Кўпиртирувчи машина | МВ-60 | 60л | 2,2 | 400 | 0,72 |
| **Иссиқлик жиҳози** | | | | | | | |
| 1 | | Қайнатиб пиши риш қозони | КПКИ-60 | 60 | 10,5 | 103 | 0,75 |
| 2 | | газплитаси | ПЭСМ-1Н | 0,48 | 14 | 180 | 0,65 |
| 3 | | Қовуриш шкафи | ЭП-4ЖШ | 0,48 | 9,6 | 260 | 0,66 |
| 4 | | электротова | СЭ-0,45 | 0,5 | 12 | 275 | 0,41 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 5 | | Электро-фритюрница | ФЭСМ-20 | 20 | 7,5 | 9,0 | 0,36 |
| 6 | | | ФНЭ-5 | 8 | 4 | 25 | 0,11 |
| **Совитиш жиҳозлари** | | | | | | | |
| 1 | | 2 камерали совитгич | ШХ 1,12 | 1,2м$^3$ | 0,43 | 275 | 1,33 |
| | | «Пингвин» совут гич прилавкаси | ПВХС 1 0,5 | 0,5м$^3$ | 0,36 | 400 | 2,42 |
| | | Совутгич шкафи | ШХ 1,25 | 1,25/250 | 0,7 | 450 | 1,3 |
| | | Музгенератор | ЛГ 10М | 3кг/с | 1,1 | 295 | 5,1 |
| | | музлатгич | | 1,5кг/с | 0,3 | 115 | 0,3 |
| **Салқинловчи жиҳозлар** | | | | | | | |
| 4 | ОС42 | Кондиционер | BEKO OSI | 2,5/0,4 | 1,2/1,5 | 10,4/34 | 0,1 |

**2.2.-жадвал.**

## «ELXOLDING» ОАЖ овқатланиш корхонаси асосий фонди гурухига 2012йил олинган жихозлар.

| № | Инвен-тарь номери | Жиҳоз номи | тавсифи | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | маркаси | Унум-дорлиги кг/соат | Эл.кув-вати кВт | Массаси кг | Эгаллаган юзаси м$^2$ |
| **Механик жиҳозлар** | | | | | | | |
| 1 | | Мясорубка (Гўшт қиймалагич) | НФУ | 90 | 1,1 | 12 | 0,1 |
| | | | МИМ 82 | 250 | 1,1 | 55 | 0,17 |
| 2 | | Идиш ювиш машинаси | МУ 500А | 500 | 12 | 250 | 1,5 |
| 3 | | Хамирқоргич | ТММ 1М | 160 | 2,6 | 250 | 0,89 |
| 4. | | Кўпиртирувчи машина | | 80 | 2,2 | 300 | 0,86 |
| **Иссиқлик жиҳози** | | | | | | | |
| 1 | | Қайнатиб пиши | КПЭ 60 | 60 | 9,33 | 210 | 0,6 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | риш қозони | ПЭСА 60 | 60 | 10,5 | 103 | 0,88 |
| 2 | | газплитаси | ПЭСМ 1Н | 0,24 | 3,6 | 110 | 0,35 |
| | | | ПЭСМ 4 | 0,48$М^2$ | 14 | 210 | 0,71 |
| 3 | | Қовуриш шкафи | ЭП 4ЖШ | 0,48 | 14 | 200 | 0,32 |
| | | | ЭШ 3И | 0,38 | 9 | 310 | 0,95 |
| 4 | | электротова | СЭ 0,45 | 0,45 | 11,2 | 220 | 0,1 |
| | | | СЭСМ 0,5 | 0,5 | 12 | 275 | 1,23 |
| 5 | | Электро-фритюрница | ФЭСМ 20 | 20 | 7,5 | 90 | 0,36 |
| 6 | | | ФНЭ 5 | 8 | 4 | 25 | 0,11 |

**Совитиш жиҳозлари**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | 2 камерали совитгич | ШХ 1,056 | 1,056$М^3$ | 0,47 | 330 | 1,7 |
| | | «Бирюза» совут гич прилавкаси | Бирюза | 0,,4 | 0,45 | 120 | 0,5 |
| | | Совутгич витринаси | ПВХ 1 0,30 | 0,54$м^3$ | 0,375 | 275 | 1,7 |
| | | Совутгич шкафи | ШХ 0,4 | 0,4/80 | 0,45 | 180 | 0,5 |
| | | | | | | | |

**Салқинловчи жиҳозлар**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ОС90 | Кондиционер | AQ 24 | 3,5/3,9 | 1,28/1,8 | 10,4/34 | 0,2 |
| 2 | ОС43 | Кондиционер | Ferette | 5,0/0,55 | 1,8/1,7 | 14/42 | 0,8 |
| 3 | ОС45 | Кондиционер | Ferette | 5,0/0,55 | 1,8/1,7 | 14/42 | 0,8 |

Ушбу гуруҳга кирувчи кўп сонли, турли мақсадда қўлланиладиган жиҳозларни, ўзларининг функциясидан келиб чиққан ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тарқатиш ёки муомалага чиқариш ҳамда овқатланишни ташкил этишда қўлланилиши билан турлича гуруҳлаш мумкин.

Жиҳозларни гуруҳлашда уларнинг умумий аломатларидан келиб чиқиб:нимага тайинланиши, маҳсулотга таъсир характери, функционал белгиси ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Ошхонада асосан Европа ва миллий таомлар тайерланиб ахоли ва туристларга хизмат курсатади. Унинг биноси алохида бино булмай умумий бинолар кисми хисобланиди. Лекин шундай булишига карамай унинг ички томондан тузилиши айлана ичида айлана ва савдозалидан пстки каватга хам утиш мумкин килиб ташкил этилган. Унинг оргиналлиги шундаки мехмонлар ва ходимлар асосий кириш жойидан киришса хам лекин биринчи айлана йулакдан улар ажралиши мумкин. Худди шундай овкатланиш зали ва ишлаб чикариш цехлари хозирги овкатланиш корхоналарини лойихалаш коидалари буйича ташкил этилган.

Корхона ишлаб чикариш цехлари замонавий овкатланиш корхоналари жихозлари билан таъминланган ва улар куйилган талабларга тулик жавоб беради. Овкатланиш залининг иссиклик цехибилан улар уртасида замонавий дизайн билан урнатилган реализация линияси билан ажралиб туради. Барча хизмат курсатувчи хоналар улардан кенги жойларда ташкил этилган ва ягона мужассам ансамбилни ташкил згади.

Агар биз унинг бошкарув тузилмасини куриб чиксак, умумий бошкарув корхона директори томонидан олиб борилади.

Овқатланиш корхоналарининг бошқарув жараёнлари, бу бир-бирига боғлиқ бўлган корхона ишчи кучлари, моддий ва молиявий ресурсларнинг оптимал муносабатига қаратилган тадбир ва фаолияти ҳисобланади.

Бошқарув функциясига корхона ва филиалларга умумий раҳбарлик, хизмат кўрсатишга технологик ва техник тайёргарлик, иқтисодий техник лойиҳалаш, ҳисоб ва молиявий фаолият олиб бориш ҳисобланади.

## 3. Корхона ходимлари овкатланиш хизмат курсатиш техник технологик модернизациялаш билан яхшилаш зарурияти.

Модернизация инглизча сўздан олинган бўлиб, “модерн” сўзидан келиб чиқиб,”замонавий”, “янги” деган маънони билдиради.Биз модернизациянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий бўлишлигини инобатга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг модернизацияси, айнан, унинг сервислаштирилиши билан узвий боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Хизмат кўрсатишни биз инсон(лар)нинг яхшилик,эзгулик, манфаат келтириш йулидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориш деб олсак, унда хизмат кўрсатишни модернизация йули билан сервислаштирилганда, айнан, сервис - инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик,манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан юқори малакада, замонавий воситалар ёрдамида кўрсатиладиган комплекс (бир вақтнинг ўзида бир неча хизматларни кўрсатиш) фаолият олиб бориш экнлигини англаймиз.

Сервис таърифидан келиб чиқиб куйидаги вазифаларни аниқлаш учун биз уни таркибий жиҳатдан қуйидаги қисмларга бўламиз:

-Инсон(лар)нинг яхшилик йулидаги ҳаракати;

-Манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати,яъни фаолият олиб бориши;

-Юқори малакада замонавий воситалар ёрдамида комплекс фаолият олиб бориши.

Демак, булардан келиб чиққан ҳолда сервис соҳасидаги корхоналарнинг самарадорлигини ошириш учун

а)ижтимоий маданий модернизациялаш;

б)иқтисодий модернизациялаш;

в)интелектуал ва техник технологик модернизациялашни бажариш зарурияти талаб этилади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” деган Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган маърузасида:”....корхона рақобатбардошликга эришиш ва дунё

бозорига чиқиши...юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнини тезлаштириш ҳисобидан амалга ошириш мумкин” деб таъкидлаган[2]. Демак, сервис соҳасидаги корхоналарни ижтимоий маданий модернизациялашда, авваломбор ижтимоий шароит, яъни юртимизда ўзининг динамик ижтимоий тизими билан очиқ демократик жамиятнинг бўлиши ва унда бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши, ҳуқуқий тизимининг,мулкчилик муносабатининг, демократик тизимнинг бўлиши ўта муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда “Ўзбек модели” асосида сервиснинг ривожланишини кўриб чиққанимизда, айнан, ижтимоий модернизация шароитининг яратилганлигига амин бўлишимиз мумкин.Айниқса, муносабатларда формал тизимнинг ва ўз ўзини бажарувчи,бошқарувчи институтларниг бўлиши ва уларнинг ташкил этилиши, яъни ҳуқуқий ҳужжатларнинг, қонунлар, шартномалар, низомлар ва х.з. бўлиши фикримизни яна бир бор тасдиқлйди.Сервиснинг маданий модернизациясида , корхонада инсонлар муносабатида,айниқса, корхона персоналининг истеъмолчилар билан бўладиган ўзаро муносабатда миллий қадриятларимиз ҳисобланган яхшилик,эзгулик ҳисларидан келиб чиқган фаолият тушунилади.Шунинг учун, унинг таркибий қисми бўлмиш касбий этика, этикет, эстетика қоидаларига амал этиш талаб этилади.Хизмат кўрсатиш,сервис корхона фаолиятида ушбу аҳлоқий қоидалар ўзаро муносабатлар,ёзма ҳуқуқий қоидалар, шартномалар шаклида расмийлаштирилиши талаб қилинади.Бунда бошқарув,ўз ўзини бошқарув, ижтимоий бошқарув органларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маданий модернизацияда маданий тизим асосий элементларини диференцияциялаш, ўқимишлилик ва олижаноблик таълимини тарқатиш,

---

2

замонавий фан ва технологиялар ютуқларига ишончни ривожлантириш, муносабатда махсус ролларни бажариш учун мураккаб, интеллектуал ва институционал тайёрлов тизимини барпо этиш, кенг оммага мос янги шахсий ички имкониятлидан фойдаланишни, одатларга тавсифларга мослаштириш; қизиқиш доирасини кенгайтириш, ҳар бир шахснинг муваффақиятини раҳбатлантиришга ишонч ҳосил қилиш,доимий ўзгариб алмашиниб турувчи муаммо ва талабларга мос келувчи институционал структурани ривожлантириш ишларининг бажарилиши лозим бўлади.

Иқтисодий модернизациялашда иқтисодий такрор ишлаб чиқаришни жадаллаштириш кўзда тутилади. Бунда меҳнат дифференцияциясига, ишлаб чиқариш энергетик жиҳозларига, фанни ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва ишлаб чиқаришнинг мақсадга мувофиқ бошқарувини амалга ошириш лозим булади.Унинг асосий инсон кучини энергия кучига (пар, электр атом ва х.з) айлантириш; одатий анъанавий фаолиятдан иқтисодий фаолиятни ажратиш, меҳнат қуролларини мураккаб технология ва машиналар билан алмаштиришни; иқтисодиётда саноат ва савдо, хизмат соҳаларига бўлган муносабатни ҳам микдорий ва ҳам сифат жиҳатдан ўзгартириш; иқтисодда ихтисосликни (ишлаб чиқариш, истеъмол ва бўллаш) кластерларини ошириш; индустрлаштиришни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда товар ва пул муомаласи, меҳнатга талаб ва мажбурияти, миллий ва трансмиллий муносабатини ривожлантириш лозим бўлади. Шунингдек мунтазам равишда иқтисодий бошқарув методлари, ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириб борилиши талаб этилади. Фан ва технологиялар ютуқларини ишлаб чиқаришда доимий қўллаб борилиши фанни ишлаб чиқариш кучига айлантиришни талаб этилади.

Модернизацион иқтисодиётнинг асосий тавсифи, бу инновацион жараёнларни жаддаллаштириш ва уни иқтисодий ўсишнинг асосий омилларига айлантириш ҳисобланади. Иқтисодий модернизациянинг объектив ва субъектив омилллари мавжудки, улар модернизация стратегиясини белгилайди.

Иқтисодий модернизациянинг объектив омилига:фойда олиш ва фойдани ўзлаштириш; баҳолаш,талаб ва таклиф, рақобатчилик кирса, субъектив омилига эса инновацион, пул кредит сиёсати,рақобатчи корхоналар стратегияси, истеъмолчиларнинг ҳолати ва х.з.киради.Албатта,ушбу объектив ва субъектив омиллар ўзаро координациялашади ва бир бирига таъсир этиб умумий инновацион стратегияни белгилайди.

Модернизация йўли билан ишлаб чиқариш комплекс ва юқори самарадорлик билан янгиланади. Бунда нафақат ишлаб чиқариш маҳсулотларини, балким ишлаб чиқариш техника технологиясини, меҳнат ва бошқарувни ташкиллаштиришни умуман барча иқтисодий муносабтларни ўзгартириш лозим бўлади.

Юқорида келтирганимиздек,модернизация объекти сифатида иқтисодий,ташкилий,ижтимоий ва бошқарув аспектларини ўз ичига олсада, ишлаб чиқаришда корхонадаги техника ва технологик даражасини ошириш вазифаси кўйилади.Чунки, корхона асосий фондларининг янгиланиши унинг келгуси ишларида турли хилдаги техника носозлигини, технологияни, жиҳозлар ва машиналарнинг эскиришини олдини олиб,замонавийлигини таъминлайди.

Модернизациялаш босқичида ишлаб чиқариш сифатини маҳсулотнинг техникавий даражаси,стандартлаштирилганлиги,унификацияси,меъёр ва талабларга мослиги ва х.к. муҳим ҳисобланади. Шунинг учун корхона модернизацияси деганда объектни техник технологик такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш билан юқори сифат янги талаблари ва меъёрллари техникавий шартларига мослаш тушунилади.

Юкоридаги келтирилганлардан келиб чикган холда сервис корхоналаридан бири хисобланган савдо корхоналарининг модернизациясида улардаги мебеллар ва инвентарларнинг янгиланиши хам мухим хисобланади.

Маълумки савдо корхоналарида кулланиладиган мебеллар ва инвентарлар умумий савдо техник жихозлар таркибига киради. Шунинг

учун замонавий савдо техник жихозлар тавсифини аниклаш улардан танлаб фойдаланишни осонлаштиради.

Ушбу ишнинг максад ва вазифаларидан келиб чикиб биз Самарканд шахар “«ELXOLDING» ОАЖ ошхонасини техникавий даражасини аниклаш учун унинг умумий тавсифини куриб чикдик.

## 4. “«ELXOLDING» ОАЖ ошхонаси мижозларига хизмат кўрсатишда ижтимоий маданий модернизацияни бажариш.

Умумий овқатланиш ташкилотларида мижозларга хиз-мат қилиш, тегишли ахлоқий тартиб қоидаларга риоя қилиш, зиммадаги вазифаларни бажариш — бу соҳанинг маданиятини белгилайди.

Бунда умуммий мамлакатларда қабул қилинганидек, ҳар бир корхона учун керакли нарсалар қуйидагилар:

- Ошхонага киришингиздан дид билан ясатилган эстетик манзаранинг кўзга ташланиши, хизматнинг олий даражадаги шароитларининг яратилиши;
- хизмат қилиш жараёнида ходимларнинг ахлоқ-одоб меъёрларини билиши;
- меҳмонларга хизмат қилишда ўрнатилган тартиб ва навбат қоидаларини билиш, уларга риоя қилиш;
- турли таомларни, ичимликларни тавсия қилиш, олиб келиб бериш, шунингдек, кўникма техникаси ва таом тарқатиш усулларини билиш;
- стол устига дастурхон ясатишнинг асосий қоидаларини билиш
- хизмат қилиш жараёнида хавфсизлик ва экологик қоидаларга риоя қилиш;
- ошхона идиш-товоқлари, анжомлар, сочиқ ва бош-қалар етарли микдорда бўлиши

.

Умумий овқатланиш корхонасида маданий хизмат қилиш қуйидаги кўрсаткичлар ва баҳога эга:

- хизмат қилувчи ходимларнинг мижозлар билан ўзаро муносабатлари, уларнинг хизмат қилиш техникаси;
- хизмат қилувчи ходимларнинг ташқи кўриниши ва шахсий гигиенаси, кийим шакли, пойафзал белги-ланган талабга жавоб бериши, ҳар бир ходимнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши;
- умумий овқатланиш биносининг ичи, ошхона идиш-товоқлари, жиҳозлари, махсус кийимлар, сочиқ ва бошқаларнинг санитария ҳолати;
- ошхонанинг идиш-товоқлар, ан-жомлар, инвентар, мебел билан тўла таъминланган-лиги;
- таом, ичимликлар, овқат маҳсулотлари ассортимен-тига риоя қилиш;
- мижозларга тез хизмат қилиш;
- музика хизматининг сифати;
- қўшимча хизматларнинг мавжудлиги.

Хизмат қилиш маданиятининг баҳоси беш баллик шка-ла билан белгиланади. Назорат қилувчи органлар текши-рув натижалари ва мижозлар фикрлари ҳисобга олинади.

Бу ҳақӀа республикага хос тартиб-қоидага риоя қилинади. Умумий овқатланиш корхоналарида, жумладан, рес-торанларда хизмат даражаси қуйидагилар асосида белги-ланади.

**Овкатланиш корхонасининг ташқи безаги:**

- номи ёзилган лавҳалар, кўрсаткичлар;
- қулай, манзарали кўринишлар.
- Ошхонанинг олд томонини ёруғлик воситалари билан безаш.

**Мижозларни кутиб олиш хизмат курсатишда:**

—хушмуомалалик билан меҳмонларни кутиб олиш ва тезлик билан тил топишиш;

—доимий мижозларга алоҳида эътибор бериш;

—мижозларга эътибор ва ён бериш;

— хизмат қилувчиларда димоғдорлик бўлмаслиги керак.

**Ошхона залини жиҳозлаш:**

—табиий манзарали ўсимликлар ва янги гуллар мав-жудлиги;

—ошхонага ярашадиган, мижозларнинг дилини шод қиладиган столларни безатиб қўйиш.

**Истеъмолчилар буюртмаларини бажариш:**

—таомлар ҳақида мижозларга тўла ва ишонарли ахбо-рот бериш;

—таомлар тайёрланиши ноёб ва пазандаликнинг юқори савияда бўлиши;

—маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш;

—таомнинг номи унинг мазмунига мос келсин;

—маҳсулот арзон, сифати яхши бўлиши;

—дастурхонга қўйилган таомларнинг мазаси ва муат-тар ҳидлари мос бўлиши;

—таомномага мос яхши алкоголсиз ичимликлар танланиши. Хизмат даражаси:

— ходимларнинг мутахассислик даражаси юқори бўлиши;

—официантларнинг овқат, вино ва ичимликлар соҳа-сида чуқур билимга эга бўлиши;

—ҳамма корхона ходимлари мижозларга ҳурмат би-лан муносабатда бўлиши;

—официант ва сотувчиларнинг мижозларга яхши маҳсулот тавсия этишлари;

—мижозлар билан низоли масалаларда тортишмасдан ён бериш.

—Баҳо:

— официант томонидан бериладиган таом счёти мижоз учун кутилмаган ҳол бўлмаслиги керак;

— истеъмол қилинган овқат ва ичимликлар баҳоси таом, ичимлик ва хизмат сифати ва даражасига мос бўлиши лозим;

— бир-бирига ўхшаш таомлар баҳолари орасида унча катта фарқ бўлмаслиги керак;

— берилган счёт муфассал ва аниқ бўлиши шарт. Маданият даражасига баҳо берганда унинг кўрсаткичларидан бири — хизмат қилиш вақтидир.

**Ошхонада истеъмолчиларга хизмат қилиш вақти:**

Хизмат босқичи:Мижозларнинг норозилиги ўртача 10 дақиқа ўтгандан сўнг изҳор этилади. Иккинчи, учинчи таомлар кутилаёт-ганда бу 10 дақиқа эътиборсиздир. Овқат бериш олдидан ёки энг охирида ҳам бунинг унча аҳамияти йўқ.Маданий хизмат тушунчаси билан хизмат учун чой чақа бериш тушунчаси алоқадордир. Чой чақа бериш ресторан хизматида одат бўлиб қолган. Бу кўпгина муаммолар ке-либ чиқишига сабаб бўлади, бир-бирига икки хил зид қараш мавжуд.Бу бир томондан официантларга маълум миқдорда моддий манфаат базаси бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи томондан, официантларнинг кўпроқ чой чақа олишга бўлган иштаҳасини кучайтиради, аммо мижозларининг норозилигига сабаб бўлади.

Бутун дунё мижозларга хизмат қилган официант овқатланиш охирида чой чақа ҳақида эслатса, бу ёмон иллат ҳисобланади. Бироқ мижоз-лардан официантлар хизмат чой чақаси сўраш ҳолатлари учраб туради.

АҚШда чой чақа бериш қоидага айланган. Ҳатто баъ-зи америкаликлар чой чақа бериш процентини кўрсатув-чи жадвал олиб юрадилар, официантни

овора қилмай, чой чақа суммасини ўзлари аниқлаб тўлаб кетаверади. Кўпчилик ресторанларда, кафеларда официант ойлигининг 95% ини мижозлардан олинадиган чой чақа ташкил қилади.

Корхона соҳиблари мижозларнинг чиройли ўтириш-ларини таъминлаш, ходимлар орасида чой чақа сабаб ни-золар чиқишига йўл қўймаслиги керак.

Бошқа мамлакатлар корхоналарида чой чақа масала-сига турлича ёндашадилар. Баъзиларида чой чақа офици-антлар орасида баравар бўлинади. Бу кўпинча ўнтагача официант ишлайдиган ресторанларда бўлади. Баъзиларида эса, официант чой чақанинг ярмисини ўзига олиб қолади, ярмисини бош официант, вино сотувчи ва бошқаларга беради.Баъзи ҳолларда чой чақанинг бир қисмини зал мене-жерига, бош официантга, гарчи уларнинг маошлари усиз ҳам юқори бўлсада, берилади. Баъзи ресторанларда очиқ айтилмаса ҳам чой чақа қолдириш учун имо-ишора қили-нади. Чекларда қуйидагича ёзув бўлади: «Хизмат ҳақи та-омлар баҳосига қўшилмаган». Аммо хизмат олий даражада маданиятли ресторанларда бундай ҳаракатларга йўл қўйил-майди.

**Одоб қоидалари:**Ошхоналарда хизмат қилиш маданияти мижозларнинг овқат истеъмол қилиш маданияти билан узвий боғлангандир.

**Таом ейиш маданияти** — аввало мижоз ўз ўрнида яхши ўтира билиши, ўзини тўғри, чиройли тутиши, овқат ейиш маданиятига риоя қилиши лозим.Стол атрофида ўтирганда қуйидаги асосий қоидаларга риоя қилиш тавсия этилади.

**Стулда ўтириш:** Тўғри ўтириш, безовта бўлмаслик, стул суянчиғига енгилгина суяниб ўтириш керак. Стулни столга жуда яқин суриш, шунингдек, анча нарига жилдириш ҳам мумкин эмас.Қўлларни овқат кутаётганда тизза қўзларига қўйиб ўти-риш мақсадга мувофиқдир. Қўллар билан сочларни рост-лаш, тузатиш, пешона, бош терларини артиш, қўлларни иякка тираб ўтириш, дастурхонни ўзича ростлаш, идиш-товокдарни қўзғатиш, сонини текшириш

тавсия қилин-майди. Таом еяётган пайтда тирсакни стол устига тираб ўтириш ярамайди. Сочиқчани ёзиб тизза устига солиб ўтириш керак. У кийимни овқат сачрашидан ҳимоя қилади. Таом ейиш жараёнида лабларни ошкора артмаслик, салфеткани ен-гилгина лабларга босиш тавсия этилади, агар гигиеник қоғоз салфеткалар бўлса, яна ҳам яхши. Таом истеъмол қилиниб бўлгач, сочиқларни тарелканинг ўнг томонига, агар тарелкалар олинган бўлса, унинг ўрнига такламасдан қўйиш керак.Нон тарелкаларда берилади, қўл билан олинади. Ке-силган ёки синдирилган бўлаклари олинади. Сомсалар синдирилмай, бутунича ейилади.Сарёғ — синдирилган, кесилган нон бўлаги ўнг қўл билан олинади, пичоқ билан ўнг қўлда сарёғ сурилади. Махсус пичоқ бўлиши мумкин ёки ишлатилаётган пичоқ-да сурилса ҳам бўлади, бироқ ундаги овқат юқи сарёғга ўтмаслиги керак.Қиём, жем, повидло — тарелкаларга олинади, сўнгра нон бўлагига сурилади.Бутерброд — қўл билан олинади, пичоқ ва вилка ёрда-мида ейилади.Ҳамма учун умумий овқат қўйилганда хўрандалар ўз олдидан кераклисини тарелкасига солиб олиб истеъмол қилаверади.Колбаса, ветчина — тарелкага солинади, пичоқ ва вилка ёрдамида ейилади.Балиқ, гўшт, сабзавот салатлари пичоқ ва вилка ёрда-мида истеъмол қилинади.

**Булъон ва пюре-шўрва** — косаларда тортилади, қошиқ билан ичилади, совуган тақдирда косани кўтариб бир че-тидан ичаверса ҳам бўлади. Овқатни совутаман деб коса, қошиқларга пуфлаш тавсия этилмайди. Уни қошиқ билан аралаштириш ва совушини кутиш керак. Агар овқат ичи-да йирик маҳсулотлар бўлса, қошиқ билан бўлиб ейилади. Коса охирида қолган озгина суюқликни олиш учун коса қийшайтирилади ва қошиқ билан олинади.

Гўштдан тайёрланган иссиқ таомларни пичоқ ва вилка билан ейилади. Овқатланиш жараёнида пичоқ ўнг қўлда, вилка чап қўлда ушланади. Пишган гўштни ҳар ким ўз хоҳишига қараб кесади. Гўштнинг ҳаммасини кесиб, сўнгра вилка билан ейиш тавсия этилмайди. Оз-оздан кесиб ис-теъмол қилинса, гўшт

совумайди. Котлет, тефтели ва ҳока-золарни пичоқ билан кесиб ўтириш шарт эмас, вилка би-лан бўлса ҳам бўлаверади.

Овқатланиш пайтида пичоқ ва вилкадан фойдаланган-да ҳар иккаласини қўлдан қўймаслик керак. Вилка билан таом олинганда пичоқ билан уни ростланади, тўғрилана-ди, аммо пичоқ билан овқат бўлаклари вилка устига қўйил-майди.

Паррандалар гўштини ейишда пичоқ ва вилка билан гўшти суякцан ажратилади, сўнгра қўл билан ейилиши мумкин. Таомдан сўнг қўл иссиқ сувда ювилади. Балиқли таомлар ейишда пичоқ ишлатилмайди. Вилка билан гўшти суякдан ажратилади ва бирданига иккита вилка билан истеъмол қилинади.

Қуш ва балиқ гўштларидан ажратилган суяклар алоҳида тарелкаларга солинади.

Юмшоқ таомлар, картошка, сабзавот ва бошқалар пичоқ билан кесилмайди, вилка билан бўлакларга бўлина-ди. Картошкани бўлганда аталага айлантириб юбориш ярамайди. Гуручли суюқ овқатлар қошиқ билан, қуюқла-ри вилка билан ейилади.

Пиширилган тухумнинг пўсти чой қошиқ билан уриб синдирилади ва тозаланади, сўнгра пичоқ билан кесилиб, истеъмол қилинади. Қовурилган тухум вилка билан ейи-лади. Агар тухум ветчина билан қовурилган тақдирда пи-чоқца кесилиб, вилка билан ейилади. Омлет ва картошка оладъисини иккита вилка билан ейилади. Паштет одатда вилка билан ейилади, аммо уни нонга суриб еса ҳам бўлаверади. Таомни шошмасдан ейиш, овқат истеъмол қилиш жараёнида оғиздан товуш чиқмаслиги керак.

Овқат ейишда гавдани имкони борича тўғри тутиш, тарелка устига ётиб олмаслик лозим. Агар овқат қайноқ бўлса, устидан совуқ сув ичиб юбориш тавсия этилади.

Овқат еганда лунжни тўлдириб олиш шарт эмас. Овқат ейиш вақтида фужер ёки нон олиш зарур бўлиб қолса, пичоқ, вилкани бир-бирининг устига қилиб, вилканинг учли томони пастга, пичоқнинг ўткир томони чапга қара-тиб тарелкага қўйилади. Пичоқ ва вилкаларнинг соп то-монини столга, уч томонини тарелка четига қўйса ҳам бўла-ди, аммо у ҳолда уч томонидаги суюқлик дастурхонга оқиши ёки сидирилиб тушиб кетиб, дастурхонни ёки ми-жоз кийимини ифлос қилиши мумкин.

Мижоз қошиқ, вилка, пичоқларни ерга тушириб юборса, официант тезда уни тозасига алмаштириб бериши даркор. Атрофдагиларнинг диққатини жалб қилмаслик учун овқатланаётган мижоз энгашиб, тушиб кетган нарсани олмаслиги ва официантдан кечирим сўрамаслиги керак. Овқатланиб бўлгач, хўранда тарелкаларни ўз оддидан нарига суриб қўймасин, пичоқ, қошиқ, вилкани тарелка-га териб қўйсин. Уларни тартибли қилиб сопларини ўнг томонга параллел ҳолда, вилкаларнинг учли, букилган то-монлари юқорига қаратиб қўйилади.

Олма, нокларнинг пўсти арчилади, ўртаси тозаланади, тарелкаларга терилади, уни қўл билан ейиш мумкин.Олхўри, ўрикларни пичоқ билан кесиб данагидан аж-ратиб ейиш ҳам мумкин, шундайича пичоқ ишлатмасдан еяверса ҳам бўлади.Гилос, олчаларнинг данакларини оғиздан қошиққа олинади ва тарелкага солинади.

